

# O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI

VOL. 2 / ISS: 1 (2025)

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА

INSURANCE




TOSHKENT DAVLAT  
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS



№	MUNDARIJA	Page
1.	YASHIL SUG'URTA ORQALI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH VA EKOLOGIYANI ASRASH <i>Yuldashev Akromjon Qurbanazarovich, To'rayev Sherxon Mo'min o'g'li</i>	3
2.	IQLIM O'ZGARISHI TA'SIRIDAGI MOLIYAVIY YO'QOTISHLARDAN HIMOYALASHDA INDEKS SUG'URTALASHNI JORIY ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI <i>Yadgarov Akram Akbarovich</i>	6
3.	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUG'URTA BOZORINING RIVOJLANISH JARAYONLARI TAHLLILI <i>Nurullaev Abdulaziz Sirojiddinovich</i>	9
4.	СУФУРТА БОЗОРИ ВА МОЛИЯВИЙ КОНВЕРГЕНЦИЯ ЖАРАЁНИДА УНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ <i>Халиков Умид Рахматуллаевич</i>	13
5.	СУФУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ <i>Maerulova Nilufar Abduxalilova</i>	18
6.	REGULATORY AND FINANCIAL BARRIERS TO SME DEVELOPMENT IN EMERGING MARKETS (IN CASE OF UZBEKISTAN) <i>Tojiyev Abror Rakhmonalievich, Rakhmonaliev Abbos Abror ugli</i>	21
7.	TIJORAT BANKLARIDA CHAKANA BANK MAHSULOTLARINI SOTISH AMALIYOTINING RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI <i>Yunusova Shaxlo Raximjanovna</i>	24
8.	USING MARKETING STRATEGIES TO ENHANCE THE COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY <i>Bobomurodov Kayimjon Homidovich</i>	29
9.	НЕЙРОМАРКЕТИНГ И ПОВЕДЕНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ: ГЛУБОКОЕ ПОНИМАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ВЫБОРА <i>Юлдашев Жамишд Абрарович</i>	32
10.	ЎЗБЕКИСТОН АХОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИДАГИ ТАФОВУТЛАРНИНИНГ ИҚТИСОДИЙ- СТАТИСТИК ТАХЛИЛИ <i>Илёсова Дилбар Исмоил қизи</i>	35
11.	KORPORATIV TUZILMALarda AKSIYALAR BOZORIDAN MOLIYAVIY RESURSLAR JALB QILISHNI TAKOMILLASHTIRISH <i>Xasanov Xayrullo Nasrullahovich</i>	38
12.	ISHSIZLIKNI KAMAYTIRISH UCHUN KICHIK VA O'RTA BIZNESNI RIVOJLANTIRISH <i>Muhammadjonova Iroda Bahodir qizi, Tohirjonov Rahmatillo Farhodjon o'g'li, Hayitaliyev Jahongir Komiljon o'g'li</i>	41
13.	SOLIQ BAZASINI ANIQLASH METODOLOGIYASIGA OID UMUMIY NAZARIYA VA YONDASHUVLAR <i>Xalikchayeva Sadokat Ilhomjonovna</i>	43



## СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИННИГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Маврулова Нилуфар Абдухалиловна

и.ф.д., доц. ТДИУ

email: [mavrulovaniufar7@gmail.com](mailto:mavrulovaniufar7@gmail.com)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 2

Issue: 1

DOI: [https://doi.org/10.55439/INS/vol2\\_iss1/246](https://doi.org/10.55439/INS/vol2_iss1/246)

### ABSTRACT

Маколада сугурта компаниялари иктисодидётда йирик инвестиция манбай сифатида намоён бўлиши ифодалантган. Сугурталовчиларнинг молиявий ресурсларни жойлаштириши ва унинг самарадорлиги таҳлили ўтказилган ҳамда инвестиция портфелини янада кенгайтириш ва оптималаштириш масалалари ўрганилган. Шунингдек, мазкур йўналишларнинг жорий этилиши орқали сугурта соҳасида эришилиши кутилган натижалар баён қилинган.

### KEYWORDS

сугурта, инвестиция фаолияти, молиявий ресурс, инвестиция объектлари, инвестиция портфели, сугурта мукофотлари, устав капитали, захира.

### Кириш (Введение /Introduction)

Жаҳонда сугурта компаниялари энг кўп молиявий ресурс тўпландиган соҳа сифатида эътироф этилади ва бу жihat уни йирик инвестиция манбаига айлантиради. Сугурта компанияси бошка молиявий ташкилотлар (банклар, фонд биржалари, инвестицион фонdlар, пенсия жамғармалари ва бошқалар) билан бир каторда мамлакат молия бозорининг ажралмас кисми хисобланиб, давлат молия тизимининг мухим бўгинини ташкил қиласди[1]. Сугурта компанияларида маълум даражадаги пул оқимларининг тўпланиш ва таҳсиланиши уларни йирик инвестор сифатида ҳам намоён қиласди. Сугурта компаниялари ўзининг асосий фаолиятидан ташқари бошка фаолият турлари билан шугулланишига расман руҳсат берилганлиги уларнинг фонд бозорларида эркян иштирок этишига шаронт яратади.

Сугурта аҳоли ва турли мулкчилик субъектлари билан рўй берадиган кутилмаган ноxуш холатларнинг сабий оқибатларини бартараф килишининг энг самарали воситаси хисобланиб, давлат бюджетининг харажатлар юқинни камайтиришда қатнашади. Сўнгти йилларда соҳани такомиллаштириш, хусусан, сугурта бозорини кенгайтириши, сугурта хизматларининг кенг камропини таъминлаш ва сугурталовчиларнинг молиявий салоҳиятини ошириш борасида катор ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда[1]. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соҳага жиддий эътибор берилib, уни жадал ривожлантириши бўйича аниқ вазифа ва кўрсатмалар берилди. 2023 йил 1 марта ПК-108-сон “Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул килиниб, унда сугурта компанияларининг устав капитали микдорларини мунтазам ошириб бориш ва бу орқали уларнинг фаолият кўламини кенгайтириш ҳамда молиявий мустахкамлигини таъминлаш вазифалари белгиланди, шу жумладан, инвестициялар ҳажмини кўпайтириш орқали иктисодидётнинг маблагта мухтоҷ секторларини молиялаштиришини амалга ошириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди[2].

Сугурта компанияларининг молиявий салоҳияти ўз маблаглари ва жалб қилинган маблаглар манбаси асосида шаклланади. Шу маънода, сугурта компанияларининг молиявий ресурслари уларнинг молиявий салоҳиятини белгилаб беришини айтиб ўтиш жоиз. Сугурталовчиларнинг устав капитали микдорлари уларни давлат рўйхатига олиша шакллантирилади. Шакллантирилган устав

капитали сугурта компаниялари учун фаолиятни бошлашнинг дастлабки босқичида асосий молиявий асос бўлиб ҳисобланди. Сугурталовчиларнинг устав капитали турли хил манбалардан шакллантирилади, дастлабки минимал миқдор таъсисчи юридик ёки жисмоний шахслар томонидан шакллантирилса, кейинчалик фаолият давомида ташкилотта турли йўналишларда келиб тушадиган даромадлар, олинган соғф фойда, акцияларни сотишдан тушум ва бошка манбалар хисобидан тўлдирилади, бироқ қарз маблаглари, кредитга олинган маблаглар хисобидан шакллантиришга йўл қўйилмайди. Сугурта компанияларининг молиявий салоҳияти ва ресурслари шаклланнишида унинг даромадлари ва сарф қилинувчи харажатлари асосий манба бўлиб ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы / Literature review).** Сугурта компанияларининг молиявий ресурсларни жойлаштириш масалалари, унинг назарий-амалий жиҳатлари хорижлик олимлар Макеийкина С.М. ва Лёшин С.С.ларнинг «Инвестиционная деятельность страховых компаний как фактор повышения их финансовой устойчивости в условиях экономической рецессии» номли, Козлова О.Н.нинг «Инвестиционная деятельность страховых организаций: возможности, перспективы и направления развития» номли илмий мақолаларида тадқик қилинган. Ўзбекистонлик иктисадчи олимлардан Кенжаков И.Ф.нинг “Сугурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусидаги тадқикот ишларида сугурталовчиларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириш юзасидан устувор йўналишлар илгари сурилган.

**Тадқикот усуслари (Методы исследования /Methodology).** Тадқикотни бажариш жараённада тизимли таҳлил ва ёндашув, мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гурӯхлаштириш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш ва прогнозлаштириш, ўзаро ва киёсий тақкослаш усусларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты /Analysis and results).**

Сугурта фаолиятида ташкилотнинг молиявий ресурслари ҳаракати ўзига хос ҳарактерга эга. Сугурта фондини шакллантиришда сугурта килдирувчиларнинг барчаси бирдек қатнашади (албатта сугурта обьектининг суммаси ва унга таъсир

этувчи рискларнинг рўй бериш эҳтимоллигига кўра), бирок ундан факат обьектига зарар етган сугурталанувчиларгина фойдаланиди, сугурта ҳодисаси рўй бермаган шартномалар бўйича тўланган сугурта мукофотлари қайтарилимайди. Сугуртанинг ҳар иккала соҳасида ҳам молиявий ресурслар ҳаракатининг асосини даромад ва ҳаражатлар ташкил этади: сугурталовчиларнинг асосий даромад манбаи бу – сугурта мукофотлари тушуми бўлса, энг катта ҳаражати заараланган сугурта обьектларига тўланадиган сугурта копламалари хиссасига тўғри келади. Шу иккни кўрсаткич орасидаги фарқ, яъни сугурта компаниясининг барча даромадлари ва ҳаражатлари амалга оширилгандан сўнг юзага келадиган фарқ вақтинча бўш пул маблаглари сифатидаги молиявий ресурсларни инфодалайди ва соҳани тартибига солувчи меъёрий хужжатларнинг тегишли моддаларига мувофиқ, диверсификация шартларида уларни йўналтиришга рухсат этилади. Сугурталовчилар ўз молиявий ресурсларни инвестиция обьектларига жойлаштиришидан асосий мақсад ўз фаолиятидан тўғри ва оқилона фойдаланиши оркали молиявий самараға эришишдир. Бунинг учун сугурта компанияси инвестиция портфелининг баркарорлигини таъминлаши шарт, шунда унинг баркарорлиги ва рақобатбардошлиги ошиб боради. Маълумот сифатида эътироф этиши жонзки, ҳалқаро амалиётда сугурта компаниялари сугурталанувчилар олдидаги молиявий мақбуриятларини кўй холларда сугурта фаолиятидан олинган даромадлардан эмас, айнан кўшимча инвестиция фаолиятидан олинган даромадлардан компенсациялайди. Соҳа ривожланган давлатларда сугурта мукофотларининг заарарлилар индекси айрим холларда 90-93 фоизни ташкил килиди, бундай холларда ташкилотда сугурта мукофотлари хисобидан шакллантирилган сугурта захиралари мажбуриятларни тўлиқ қоплашга етмайди ва айнан инвестиция фаолиятидан олинган даромадлар эвазига мажбуриятлар бажарилади.

Мамлакат ичкарисидаги мавжуд инвестицион имкониятларни тўлиқ ишга солиши учун мамлакатда куляй инвестиция мухитини яратиш мухим ҳисобланади. Куляй инвестиция мухитини яратишнинг асосий шартларидан бири инвестиция учун йўналтириладиган молиявий ресурсларнинг самардорлигини таъминлашдир. Иктисодиётга зарур даражадаги инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг самардорлигини таъминлаш хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаолигини оширишга ва баркарор иктисодий ўсишни таъминлашга олиб келади[4].

Мамлакатдаги инвестицион фаолиятни муваффакиятли амалга ошириш, унинг ҳажмини кўпайтириш ҳамда самардорлигини таъминлашда сугурта компаниялари инвестицион фаолиятининг ривожи долзарб аҳамиятга эга. Чунки инвестиция фаолиятида сугурта компаниялари икки вазифани: ташкил ва ички инвестицияларни турли рисклардан сугурталаш ҳамда инвестор сифатидаги фаолияти амалга ошириди. Сугурта компаниялари фаолиятининг моҳияти бу табиат ва жамиятда юзага келадиган турли кўринишдаги рисклар юзага келиши билан боғлиқ заарарларни қоплаш ва ушбу хизмат эвазига сугурталанувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган сугурта мукофотларини тўплаш ҳамда кўшимча даромад олиш мақсадида ўз маблағлари, тўпландиган ҳамда жалб қилинган маблағларни қайtarishi шарти билан вақтингчалик турли соҳаларга жойлаштириб, келажакда маълум инвестицион даромад олишдан иборат. Сугурта компаниясининг юкорида келтириб ўтилган маблағларни турли соҳаларга жойлаштириш фаолияти амалиётда инвестицион фаолият деб юритиб келинмоқда. Инвестицион фаолият сугурта компанияси молиявий ресурсларни жойлаштириш фаолиятининг асосини ташкил этади.

Ташкилотнинг инвестиция имкониятлари, маълумки, асосий фаолият натижаларига боғлиқ бўлади, сабаби сугурта шартномаси даврида сугурта мукофотлари сугурта фондларида сақланади, шартнома муддати тугагдан сўнг фондда колган маблағлар инвестиция мухитини яратади, демак мамлакатдаги сугурта компаниялари фаолиятининг ривожланиши тенденцияларини таҳлилини ўрганган холда сугурта компанияларининг инвестиция фаолиятига баҳо бериш мумкин. Шу ўринда айтиши жонзки, сугурталовчилар молиявий ресурсларни тўғри ва оқилона йўналтириш оркали юкори самардорликка эришади, хусусан, Ўзбекистонда бу амалиёт бутунги кунда фаол кўллаб келинади. Молия бозорининг аксарият иштирокчилари сугурталовчиларнинг бўш пул ресурсларини жалб қилишини ҳар икки томон учун манфаатли, деб ҳисоблайди ва

сугурталовчиларнинг сугурта портфели шаклланишига имкон беради.

Сугурта компаниялари ўз ресурсларини инвестиция обьектларини молиялаштириш мақсадида йўналтириш оркали ҳам ўз

1-жадвал

#### Сугурталовчилар молиявий ресурсларининг инвестиция обьектлари ўтасида таъсимиланши[2]

Кўрсаткичлар	30.06.2023		30.06.2024		Ўзгариши, фоизда
	Жами инвестициялар, жумладан:	млн.сўм	жамига нисбатан фонзда	млн.сўм	жамига нисбатан фонзда
Жамги инвестициялар, жумладан:	<b>5 189 971</b>	<b>100%</b>	<b>6 111 360</b>	<b>100%</b>	<b>+17,8%</b>
Депозитлар	3 292 385	63,4%	4 052 224	66,3%	+23,1%
Кимматли қоғозлар	1 267 653	24,4%	1 288 737	21,1%	+1,7%
Займлар	51 140	1,0%	76 028	1,2%	+48,7%
Кўчмае мулк	425 570	8,2%	598 136	9,8%	+40,5%
Ташкилотнинг устав фондидағи ишипроқ	119 323	2,3%	88 210	1,5%	-26,1%
Бошқалар	33 900	0,7%	8 025	0,1%	-76,3%

молиявий баркарорлигини оширади, сугурта тизими баркарор ривожланаётган давлатлар тажрибасига кўра, сугурта компанияларининг инвестиция фаолиятидан оладиган даромадлари асосий фаолиятдан оладиган даромадларидан юкори, бу эса уларда сугурта мукофотларининг заарарлилар коэффициенти юкори эканлигини билдиради. Жадвалга кўра, хисобот даврида ҳам ўтган йиллардаги каби жами йўналтирилган молиявий ресурслар хажмиди банк депозитлари ва кимматли қоғозларнинг улуши саломкли бўлган ва умумий хисобда 88 фоизни ташкил килган [5].

Умуман олганда, сугурта бозорининг молиявий салоҳияти ўртача 16 фоизга ўсбай борган ва бу холат инвестиция имкониятларини оширган. Ўзбекистонда сугурта компаниялари молиявий ресурс билан таъминлаш борасида мамлакат тижорат банкларининг асосий ҳамкори ҳисобланади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, умумий сугурта соҳасида фаолият юритувчи айрим ташкилотлар айнан тижорат банклари таъсисчилигида ташкил этилган бўлиб, мазкур банклар ўз фаолиятида юзага келадиган рискларни, жумладан, кредит кайтмаслиги каби молиявий рисклар, мол-мулкининг шикастланиши билан боғлиқ техник рисклар, ходимларнинг меҳнат фаолиятида юзага келадиган саломатликка оид рискларни ҳамкор сугурта ташкилотларида бозор иктисодиёти талабларига риоя этган холда сугурталайди. Ўз ўринда, мазкур сугурта компаниялари бўш пул маблағларини ҳамкор тижорат банкларига ресурс сифатида тақдим этади ва ундан фойдаланганлик учун фоиз хисобида даромадга эга бўлади. Жадвалга кўра, сугурта компаниялари томонидан амалга оширилган инвестицияларнинг 66,3 фоизи омонатларга жойлаштирилмоқда, бу молиявий ресурслар ҳаракатининг энг оддий кўриниши ҳисобланади. Жаҳон сугурталовчиларининг молиявий ресурслари фонд биржалари оркали ҳаракатланади. Фонд бозори юридик ва жисмоний шахсларда мавжуд бўш маблағларнинг иктисодиётнинг барча тармокларига трансформацияланишига имконият яратади. Сугурталовчиларнинг фонд бозоридаги фаолиятини таомиллаштириш ресурсларни ишончли жойлаштиришда, реал ишлаб чиқариши билан узвий боғликлигини таъминлашда, кўшимча ресурслар жалб килинишида мухим омил саналади. [6].

Молиявий хизматлар бозорининг мухим таркибий қисмларидан ҳисобланган фонд ҳамда сугурта бозорлари капиталга мухтоҷ тармокларни кўллаб-куватлаш оркали иктисодиётнинг баркарор ривожланишини рағбатлантиради. Фонд бозорининг ривожланиши иктисодий фаолиятининг кенг кўлламли жиҳатлари билан боғликлити бутун иктисодиёт ривожига таъсир кўрсатадиган энг мухим омил сифатида кўринади. Шунингдек, сугурта бозори ҳам унинг фаолиятига ҳамда ривожланишига таъсир кўрсатадиган асосий тармоклардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда фонд ва сугурта бозорининг иктисодий ислоҳотларни тубдан янгилаш жараёнидаги ролини ошириш ҳамда уларнинг ўзаро фаолиятини таомиллаштириш мамлакат олдида турган устувор вазифалардан бири саналади[7]. Сугурта компаниялари фонд бозорида, биринчидан, устав капиталини шакллантириш ва кўпайтириш ҳамда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини кондириш мақсадида қимматли қоғозлар эмитенти сифатида; иккинчидан, уларнинг фаолият туридан, яъни вақтинча жалб қилинган бўш маблағларга эгалигидан келиб чиқиб уларни қимматли қоғозларга йўналтирувчи инвестор сифатида; учинчидан, фонд бозорида инвестиция

воситачиси сифатида; тўртинчидан, фонд бозоридаги рискларнинг сугурталовчиси сифатида намоён бўлади. [8].

Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллӣ агентлиги мамлакат сугурта бозорида нафакат сугурта фаолиятини тартиға солиши, балки унинг ривожланиши, ахоли орасига кириб бориши, сугурта хизматлари билан таъминланганлик индексини ошириш, бу мақсадларга эришиш учун эса, оммавий ахборот воситаларида соҳанинг мазмун-моҳиятини намойиш этишга каратилган тадбирларни ўтказишида ва шу орқали сугурта маданиятини юксалтириш борасида муҳим дастак вазифасини ўтамоқда. [9]. Шунингдек, сугурта бозорининг шаффоғлигини ошириш, сугурталовчилар фаолиятига доир маълумотларнинг очиклигини таъминлаш, бу орқали сугурталанувчи ва потенциал сугурталанувчилар кизиқишини ошириш ҳамда аудиториясини кенгайтириш мақсадида ҳар хисобот даври учун сугурта компанияларининг фаолият натижалари оммавий ахборот воситаларида ёълон килиб борилмоқда. Умуман олганда, бутунги кунда маҳаллий сугурталовчиларнинг банкларга инвестиция киритишидан манфаатдорлиги юкори бўлиб, буни тижорат банкларининг сугурталовчилар устав капиталида фаол иштирок этиши билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, бани депозитларига йўналтирув инвестиция маблагларининг ликвидилигини таъминлаш борасида ҳам ишончли, деб хисоблайди аксарият сугурталовчилар. [10].

Хар бир сугурталовчи молия йили аввалида ўзининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланинши тўлиқ акс этируви стратегик дастурни мукаммал ишлаб чиқиши лозим. Бу дастур шунчаки хужжат эмас, балки компаниялар молия йили давомида тўлиқ амал қиласидан ва қўзланган самарадорликка эришиш учун хизмат қиласидан механизм бўлиб хисобланishi зарур. Дастурда сугурта компаниясининг инвестиция портфели таркиби ўрганилиб, уларнинг жами сугурта портфелидаги хиссаси катъий белгилаб олиниши ва ўз ўрнида сугурта компанияси дастурдан четга

чикмаган ҳолда ўз инвестицион фаолиятини ташкил этиши зарур, шу орқали ташкилотнинг молиявий ресурслари тизимли бошқарилади.

### **Хулоса (Заключение/Conclusion).**

Сугурта компанияларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш ва уларнинг самарадорлигига эришиш юзасидан кўйидаги хулосаларга келинди ва айрим таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Сугурта соҳасини самарали ташкил этиш, амал қилиш доирасини кенгайтириш, сугурталовчиларнинг капиталлашув даражасини, тўлов қобилиятини ва молиявий мустахкамлигини ошириш, уларнинг инвестицион жараёнилардаги иштирокини рагбатлантириш мақсадида хукумат томонидан бир катор қулийклар ва енгилликлар яратиб келинмоқда. Бугунги кунда сугурта бозорида мавжуд 35 та сугурта компаниясининг барчаси ҳам ўз молиявий ресурсларини инвестицияга йўналтиришга тайёр эмас. Демак, улар томонидан тўпланадиган сугурта мукофотлари ҳажми инвестиция имкониятини белгиламайди, балки сугурта мукофотларининг зарарлилик даражаси қанчалик паст бўлса, инвестиция имконияти шунча юкори бўлади.

2. Сугурта мукофотлари келиб тушган пайт билан сугурта қопламасини тўлаш даври ўртасида вақтинча бўш ресурслар вужудга келади ва улар инвестиция капиталига айланади. Шу сабабли, саноати ривожланган мамлакатларда сугурта бозори иктисодиётга баркарор таъсир кўрсатувчи омил сифатида тан олинади.

3. Сугурта компанияларининг белгиланган минимал устав капитали микдорларини шакллантириши назорат остига олинган бўлиб, бу микдорлар иктисодиёт ривожлангани сари ошириб борилиши мақсадга мувоғик. Устав капитали микдори сугурталовчининг хизматлар кўламини кенгайтиради, бу эса ўз навбатида катта ҳажмдаги молиявий ресурсларнинг вужудга келишини таъминлайди ва уларнинг самарали ҳаракатини юзага келтиради. Сугурта компаниялари ўз молиявий ресурслари орқали иктисодиётнинг баркарор ўсишини таъминлашга сезиларли хисса кўшиши баробарида жамият учун манбаатли хизмат кўрсатувчи соҳага айланади.

### **References:**

1. Маврулова Н.А. Сугурта ташкилотларининг инвестиция имкониятларини ошириш. // “Молия” илмий журнали. – Тошкент, 2021. 5-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартағириш ПҚ-108-сон “Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори.
3. Маврулова Н.А. Сугурта компанияларининг молиявий баркарорлигини таъминлашда қайта сугуртанинг ролини ошириш. И.ф.ф.д. PhD илмий даражасини олиш ёзилган диссертация. Тошкент, 2019 йил.
4. Кенжаев И.Ф. Сугурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.ф.д. PhD илмий даражасини олиш ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2019 йил.
5. Абдуллаева Н.А. Сугурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолиятини таъминлаштириш. И.ф.ф.д. PhD илмий даражасини олиш ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2022 йил.
6. <http://www.napp.uz> – Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллӣ агентлигининг расмий сайти маълумотлари.
7. Qo'ldoshev Qamariddin Mansurovich, & Yo'ldoshova Aziza Muzaffar qizi. (2024). SUG'URTANI RIVOJLANTIRISHDA MARKETINGNING ROLI. Insurance Market of Uzbekistan, 1(11), 1–3. Retrieved from <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/208>
8. Баратова Динора Алишеровна. (2024). СУГУРТА БОЗОРИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР. Insurance Market of Uzbekistan, 1(12), 51–52. [https://doi.org/10.55439/INS/vol1\\_iss12/236](https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/236)
9. Матиязова Санобар Ражаббайовна. (2025). ЎЗБЕКИСТОН СУГУРТА БОЗОРИДА ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ . Insurance Market of Uzbekistan, 1(12), 1–3. [https://doi.org/10.55439/INS/vol1\\_iss12/220](https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/220)
10. Озатбеков Юсупхон Фарход ўғли. (2024). ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ . Insurance Market of Uzbekistan, 1(11), 26–29. Retrieved from <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/215>